

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда

Қонунчиликдаги  
янгиликлар

## ЯНГИ ВАКОЛАТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари ишда янги босқичга кўтариладилар...

### СЎЛРОҚНИ МЎЛЖАЛЛАБ

Исмоил СОИФНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 19 ўринни кўлга киритган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:



– Конституцияга Президентимиз томонидан киритиш таклиф этилаётган тузатишлар партияимизнинг дастурий вазифаларини амалга ошириш учун бизга катта имкониятлар беради. Шу муносабат билан ўз дастурий ҳаракатларимизга баъзи ўзгартиш ва тузатишлар киритишимиз зарур деб ҳисоблаб, ана шу йўналишда иш олиб бормоқдамиз. Бу гап ташкилий-партиявий ишларга ҳам, мафкура бобидаги ишларга ҳам, депутатларимизнинг парламентдаги ва жойлардаги фаолияти самарадорлигига ҳам тааллуқлидир.

Бошқа жиҳатдан олганда, ҳозирги куннинг ўзидаёқ кўп йўналишларимиз мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш юзасидан Президентимиз таърифлаб берган Концепциянинг асосий тамойилларига монанд келмоқда. Масалан, партиявий дастурида давлат ҳокимияти органлари ҳисобдорлиги ва улар ишда кўпроқ очиқ-ошкоралик бўлиши ҳақида гапирилган. Мамлакат Президенти томонидан таклиф

этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазкур органлар билан халқ ўртасида жипс алоқани ўрнатиш имконини беради.

Биз «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Касаначилик меҳнати тўғрисида»ги, «Оилавий бизнес тўғрисида»ги, «Муқобил ва тикланадиган энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам фракция салоҳиятидан фойдаланиш ниятидамыз. Энергия манбаларига оид

қонун лойиҳаси, хусусан, тайёр бўлай деб қолди ва ҳозирги кунда тегишли идораларда зарур келишув тартиб-таомиллари олиб борилмоқда.

– **Парламентда энг кам овозга эга бўлган фракция учун парламент коалициясини ташкил этиш масаласи бағоят долзарб бўлса керак...**

– Мутлақо тўғри. Гарчи социал-демократик партия бўлсак-да, қарашларда ЎзЛиДеП фракциясига мансуб либераллар билан туташ нуқталаримиз кўп. Мохи-


ятан олганда, муштарак ижтимоий компонентга эга бўлган ХДПдагилар билан қарашларимизда ҳамоҳанглик кўпроқ бўлиши керак. Лекин амалда улар билан бир йўналишда иш олиб боришимиз жилла қовушмаяпти. Масалан, биз миллий инновацион тизим барпо этиш тарафдоримиз. Шунга бағишлаб қатор тадбирлар – семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказмоқдамиз. Фанлар Академияси, Фан ва техникани мувофиқлаштириш давлат қўмитаси, нодавлат инновацион марказлари билан яқин алоқани йўлга қўйганмиз. Шу маънода бизда иқтисодиётни модернизациялашни ёқлаётган либерал демократлар билан дастурий «яқинлашув» содир бўлмоқда.

Ижтимоий шериклик бобида ХДПга яқинмиз. Бу партия социал демократия платформасида турганлигини эълон қилган. Зотан, улар биз сингари ижтимоий адолат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун курашмоқдалар. Аммо улар бизга қараганда бироз «сўлроқ», бизни эса баъзан «марказдаги сўллар» деб таърифлашади.

Ўртага қўйилаётган янги вазифалар муносабати билан олдимизда яна бир муҳим масала – кадрларни жалб этиш ва тарбиялаш масаласи кўндаланг турибди. Бугунги кунда бизнинг электоратни малакали ишчилар, муҳандис ва техник ходимлар, педагоглар, шифокорлар, илмий ходимлар ташкил этади. Партия кадрлари ҳам ҳозирча катта муаммо бўлиб турибди. Уни ҳал этиш учун ёшлар билан собитқадам иш олиб бормоқдамиз. Идрокли, иқтидорли йигит-қизларни танлаб, ўқитиб-ўргатмоқдамиз. Ҳамма нарса аввало кадрларга боғлиқ эканлиги сир эмас.


## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogta.uz](http://www.pogta.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.



## БУ УЧУН ЭНДИ СУДГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 декабрдаги 280-сон қарори билан Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган) тўлдирилди. Энди иш берувчи нотариуснинг ижро



хати бўйича ходимнинг қарзини сўзсиз ундириши мумкин. Уни олиш учун иш берувчи нотариусга мурожаат қилиб, қуйидагиларни тақдим қилиши керак: ходимнинг тўловнинг аниқ муддатлари кўрсатилган зарарни ихтиёрий қоплаш тўғрисидаги ёзма мажбуриятининг асл нусхаси; етказилган зарарнинг тўланмаган қисми миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар; ўзи етказган зарарни қоплашдан бош торган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси; қарздорнинг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни тўлаш ҳақида қарздорга берилган огоҳлантириш хатининг нусхаси.

2-бетда

## ЭКОЛОГИК МАНФААТЛАРНИ КЎЗЛАБ...

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Қонунчилик палатасида 15 депутатлик ўрнига эга бўлган Ўзбекистон Экология ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари:

– Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан баён этилган Концепцияси, чиндан ҳам, давлат ва жамият бошқарувини ривожлантиришда мутлақо янги босқични белгилаб берди. Ўзбекистон Экология ҳаракати ана шунини инobatга олиб, ўз олдига турган янги вазифалар нуқтаи назаридан яқин йилларга мўлжалланган режаларни белгилаб олмоқда.

Биринчидан, мамлакатимизда илк бор квоталаш тизими қўлланилиб, Қонунчилик палатасида Экология ҳаракати учун ажратилган 15 депутатлик ўрни бизга мушарраф бўлганлигини, эндиликда экология муаммоларини миллий даражадагина эмас, балки халқаро кўламда ҳам ҳал этиш имконияти юзага келганлигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Биз учун қуйидагилар устувор масала бўлиб қолмоқда:

● мамлакатимизда экология соҳасида жамоатчилик назоратининг самарали тизimini барпо этиш. Биз экология ва соғлиқни сақлаш соҳаси билан бевосита шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда иш юритиб, уларнинг ишини мувофиқлаштириб бормоқдамиз. Бу ишга жамоатчиликнинг кенг жалб этилиши бизга экологик муаммоларни ҳал этиш учун катта имкониятлар беради;

● атроф муҳитни муҳофаза этишга қаратилган янги қонунлар ишлаб чиқиш. Биринчи навбатда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жоизки, унинг асосий таркибий қисмини бутун мамлакатимизда жамоат экология назорати механизмлари ва тартиб-таомилларини кенг амалиётга жорий этиш муддаоси ташкил этади. «Экология суғуртаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, шунингдек мамлакатни экологик жиҳатдан районлаштириш ҳамда муайян ишлаб чиқаришларнинг ва бошқа ишларнинг экологик таҳдидлари мезонларини ишлаб чиқиш ҳам галдаги вазифа саналади;

● атроф муҳитни муҳофаза қилишни тартибга солувчи янги халқаро ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш ёки ратификация қилиш. Хусусан, Барқарор органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Стокгольм конвенциясига ҳамда биосферага трансгенетарвий таъсир этувчи турли жиҳатларни тартибга солувчи бошқа халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш фурсати етди деб ҳисоблаймиз.

– Конституцияга қайтсак... Ҳар бир партиядо ҳукуматда иштирок этишни кенгайтириш билан боғлиқ муайян мақсадлар бор. Бу «эколог депутатлар»га ҳам қандайдир йўсинда дахл этадимми-йўқми? Ўта муҳим масалалар юзасидан у ёки бу қарорга эришишда 15 депутат овози ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг имконияти сизлар учун етарлими?



– Келинг, гапни сиёсий партиялардан фарқ қилишимиздан бошлай қолайлик... Энг аввало биз том маънода сиёсат билан шуғулланмаймиз. Ҳар бир сиёсий партия ортида аҳолининг ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган муайян қатламлари туради. Айтайлик, ЎзЛиДеП ортида фермерлар ва тадбиркорлик жабҳаси, ХДП ортида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд қатламлари бор. Биз эса умумбашарий кадриятларни, умуммиллий манфаатларни кўзда тутамиз. Ақли салим ҳар қандай одамдан атроф муҳит мусаффолиги ва аҳоли соғлиғига қаршимисиз деб сўраб кўринг-чи?!

– Умуман олганда, ҳаммаси шундай. Лекин муайян иқтисодий қарорларни қабул қилишда, фикримча, манфаатлар тўқнашуви содир бўлади...

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз нуқтаи назаримизни ҳаммининг эътибори, оғи ва шуурга етказишга ҳаракат қиламиз. Турли қонунлар қабул қилинмоқда, уларнинг аксарияти бевосита ёки билвосита экология масалаларига, табиий ресурслардан фойдаланиш ва шу сингариларга дахл этади. Ана шунини инobatга олиб, шунингдек Президентимиз таклиф этганидек, парламент вазифа-ваколатларини кенгайтириш муддаосидан келиб чиқиб, келаси йилга ва яқин истиқболга мўлжалланган янги дастуриимизни тайёрлашга киришидик. Қонунчилик фаолияти ҳам, экологик муаммоларни ҳал этишга жамоат ташкилотларини жалб этиш ва умуман аҳолини сафарбар қилиш ҳам бу ишда асос бўлиб қолади деб ўйлайман.

Ўзбекистон Экология ҳаракатида эндиликда «ёшлар қаноти» ҳам бор! Бу йил 750 дан ортиқ амалий тадбирлар ўтказдик, уларда аҳолининг турли қатламлари намояндалари, шу жумладан сиёсий партиялар аъзоларидан қарийб 170 минг киши иштирок этди. Энг эътиборли ва биз учун кўнгилли жиҳати шундаки, иштирокчиларнинг тахминан 60-70 фоизи ёшлар эди.

Юлия ЯШИНА,  
«СБХ» махсус муҳбири.

Давоми. Боши «Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 14 декабрдаги 49 (282)-сониди.

УШЎ  
СОҶДА

1-бет

Партияларга берилган  
ваколатлар залвори

\$1 = 1636,89 сўм

1-2-бетлар

Қонун ҳужжатларига  
қисқа шарҳ

€1 = 2177,84 сўм

4-бет

Бухгалтернинг имзоси  
шартномада шартми?

£1 = 2584,16 сўм

5-6-бетлар

«Биз яшайдиган  
уй»да нима гап?

¥10 = 194,73 сўм

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## БЕНЗИН ҚАНЧА ТУРАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 декабрдаги 289-сон қарори билан 2010 йил 10 декабрдан бошлаб автобензиннинг бир литри учун қуйидагича чакана нархлар белгиланган: **Аи-80** маркали – 1260 сўм; **Аи91, А-92** ва **Аи-93** маркали – 1410 сўм; **Аи-95** маркали – 1580 сўм; **дизель ёқилгиси** – 1 260 сўм; **ЭКО дизель ёқилгиси** – 1315 сўм.

Шунингдек 2010 йил 10 декабрдан бошлаб айрим тоифадаги шахслар учун автобензин харид қилиш харажатларининг бир қисми ўрнига ҳар ойлик компенсация тўлаш суммаси 25 200 сўмни ташкил қилди.

## РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШДАГИ ЯНГИЛИК

Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 4 декабрда 1279-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ тадбиркор ёхуд унинг муассиси комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳам инспекцияга мурожаат қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмай Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган) қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. 2010 йил 14 декабрдан кучга кирди.

## ТУГАТУВЧИ ХАБАР БЕРИШИ ШАРТ

Марказий банкнинг қарори (АВ томонидан 2010 йил 6 декабрда 1815-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ, кредит уюшмасини тугатиш бошланганлиги, шунингдек кредиторлар томонидан ўз талабларини баён этиш тартиби ва муддати тўғрисидаги эълон тугатувчи томонидан мамлакатимиз ҳудудида тарқатиладиган камидан иккита даврий босма нашрда чоп этилиши

керак. Кредит уюшмасининг банкдаги талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағига келиб тушаётган маблағлар кирим қилинмасдан, жўнатувчи қайтарилади деган қоида чиқариб ташланди. Тугатиладиган кредит ташкилотининг номолиявий активларини баҳолаш энди баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилиши шарт ва кейинчалик улар тугатувчи томонидан сотилади.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

2010 йил 16 декабрдан кучга кирди.

## ПЕНСИЯНИ ОЛДИНДАН ЙИҒИНГ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банкнинг қарори (АВ томонидан 2010 йил 6 декабрда 1112-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Энди



нафақа олиш учун аризага жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг нусхасини ҳам илова қилиш керак. Ҳужжатга уни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирувчи бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди. 2010 йил 16 декабрдан кучга кирди.

## БОҒБОНЛАР УЧУН ҚОИДАЛАР

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруқлари (АВ томонидан 2010 йил 6 декабрда 2160 ва 2161-сонлар билан рўйхатдан ўтказилган) билан Боғлар ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ходимлари учун ҳамда Тамаки ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.

2010 йил 16 декабрдан кучга кирди.

## ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛДИ

Марказий банкнинг қарори (АВ томонидан 2010 йил 9 декабрда 1552-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ автоматлаштирилган банк тизимида маълумотлар киритиш ва ўзгартириш ваколатига эга бўлган ходимларнинг ишчи станциялари мазкур тизимга улашишга рухсат берувчи аппарат – дастурий қурilmалар билан жиҳозланиши лозим. Мазкур ходимларга аппарат – дастурий қурilmаларни бошқа шахсларга бериш ва қаровсиз қолдириш тақиқланади.



Шунингдек бундан кейин электрон тўлов тизими орқали жўнатиладиган ёки қабул қилинаётган барча электрон тўлов ҳужжатлари сўнги базага эга антивирус дастури текширувидан ўтказилиши шарт.

2010 йил 19 декабрдан кучга кирди.

## РАҲБАР НАЗОРАТИ ОСТИДА

Давлат мулки кўмитаси ҳузурдаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 9 декабрда 1899-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотда ички назоратни амалга ошириш ташкилот раҳбарига юклатилади. Шунингдек белгиланишича, профессионал иштирокчининг назоратчиси энди ички назорат вазифаларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажаришга ҳақли. Уларга қуйидагилар қиради: қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар; жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишга доир мажбуриятлар; инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги фаолиятни амалга оширувчи ташкилот раҳбарининг мажбуриятлари.

2010 йил 19 декабрдан кучга кирди.

## АРХИВ БЎЛИШИ ШАРТ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 9 декабрда 1685-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилган ўзгартиришларга биноан электрон архив фақат тўлов маълумотларининг базалари жойлашган бош банклар ва уларнинг филиалларидагина эмас, балки бундай база бўлмаган филиалларда ҳам юритилади.

2010 йил 19 декабрдан кучга кирди.

## БОШҚАРУВЧИГА 12% ИШОНИБ БЕРИЛАДИ

Молия вазирлиги ва Давлат мулки кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 9 декабрда 1662-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритилган. Уларга мувофиқ бошқарувчи компания инвестиция активларини ишончли бошқарувчи-юридик шахсга алмаштирилган бўлиб, у ИФнинг ёки ХИФнинг манфаатларини кўзлаб бошқариш бўйича фаолиятни ўз номидан амалга оширади.

Энди хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини ХИФ томонидан харид қилиш учун махсус давлат кредити Давлат мулки кўмитаси томонидан 5 йиллик муддатга берилди (олдин – 5 йилгача бўлган муддатга). Шунингдек ИФга ва ХИФга кўрсатилган хизматлар учун инвестиция активларини ишончли бошқарувчини тақдирлаш тартиби белгиланган. У асосий (соф активлар ўртача йиллик қийматининг 5 фоизидан кўп эмас) ва қўшимча қисмдан (соф активлар йиллик ўсиши суммасининг 7 фоизидан кўп эмас) иборат.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

2010 йил 19 декабрдан кучга кирди.

## НАРХНИ СОТУВЧИ БЕЛГИЛАЙДИ

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 10 декабрда 2162-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Белгиланишича, юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимдаги биржа савдоларида Биржанинг валюта майдончасига қўйиш йўли билан амалга оширилади. Маҳсулотнинг бошланғич нархи сотувчилар томонидан, ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктурасидан келиб чиқиб, аниқланади. Жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктураси пасайган ҳолларда, шунингдек ушбу маҳсулотга талаб мавжуд бўлмаган ҳолларда, сотувчи уларни пасайтиришга ҳақлидир.

2010 йил 20 декабрдан кучга кирди.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат    | Сана       | АҚШ доллари |         | Евро    |           | Россия рубли |          |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|-----------|--------------|----------|
|             |            | бирлиги     | курси   | бирлиги | курси     | бирлиги      | курси    |
| Озарбайжон  | 16.12.2010 | 1           | 0,7987  | 1       | 1,0554    | 1            | 0,0259   |
| Арманистон  | 16.12.2010 | 1           | 360,94  | 1       | 477,63    | 1            | 11,74    |
| Беларусь    | 17.12.2010 | 1           | 3005,00 | 1       | 3980,42   | 1            | 97,71    |
| Грузия      | 16.12.2010 | 1           | 1,7639  | 1       | 2,344     | 1            | 5,7419   |
| Қозоғистон  | 16.12.2010 | 1           | 147,42  | 1       | 196,60    | 1            | 4,8      |
| Қирғизистон | 17.12.2010 | 1           | 47,0857 | 1       | 62,2863   | 1            | 1,524    |
| Латвия      | 17.12.2010 | 1           | 0,532   | 1       | 0,702804  | 1            | 0,0173   |
| Литва       | 17.12.2010 | 1           | 2,6091  | 1       | 3,4528    | 10           | 8,4833   |
| Молдова     | 16.12.2010 | 1           | 11,9586 | 1       | 15,9342   | 1            | 0,3894   |
| Тожикистон  | 17.12.2010 | 1           | 4,402   | 1       | 5,9196    | 10           | 1,4521   |
| Ўзбекистон  | 14.12.2010 | 1           | 1636,89 | 1       | 2177,84   | 1            | 53,04    |
| Украина     | 16.12.2010 | 100         | 796,31  | 100     | 1063,8702 | 10           | 2,5922   |
| Эстония     | 16.12.2010 | 1           | 11,8146 | 1       | 15,6466   | 1            | 0,384096 |

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ  
СОҒДА:

### ✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

- Янги ваколатлар масъулияти
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси
- ✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**

1-2-бетлар

- Тузатилган хатога жарима солинмайди
- Суд қарор чиқаради
- Бундай аудит Қонунда қайд этилмаган
- ✓ **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
- Имзоми ёки виза?
- Бухгалтерларнинг бутунжаҳон анжумани

3-бет

- Кредит ахбороти алмашинувига кўмаклашиб...

4-бет

### ✓ **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**

- Ўзгаришлар бўсағасида
- Йўлак кимнинг ҳисобидан ёритилади?
- ✓ **top**

7-8-бетлар

## ТУЗАТИЛГАН ХАТОГА ЖАРИМА СОЛИНМАЙДИ

**?** Фирма ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади – чиқиндиларни сотиб олади, уларни қайта ишлайди ва экспортга жўнатади. Раҳбарият уларни фирманинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот деб ҳисоблаб, валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий тартибда сотмай келди. Бироқ мезонларни ўрганиб, биз мазкур маҳсулот ўз маҳсулотимизга кириши мумкин эмаслигини аниқладик, чунки у қайта ишланганидан кейин ТИФ ТН бўйича коди ўзгармайди. Биз йўл қўйган хатони тузатмоқчимиз, бироқ қандай қилиб тузатишни билмаймиз. Шу муносабат билан савол туғилади: агар раҳбарият ўз хоҳиши билан яқин вақт ичида келиб тушган барча валюта тушумини сотса ва бу билан мажбурий тартибда сотилмаган валюта суммасини қопласа, фирма молиявий ва бошқа санкциялардан қутулиши мумкинми? Хусусий фирма бухгалтери.

– Қонун ҳужжатларида банк мажбурий сотиш учун хорижий валютадаги маблағларни ўтказиш тўғрисидаги топшириқномани тақдим этмаганлик учун юридик шахсга молиявий санкциялар қўллаш назарда тутилмаган. Бироқ қонунчилик экспорт операциясидан олинган валюта маблағларининг 50 фоизини мажбурий сотишдан бўйини товлани учун экспортчи корхона раҳбарига нисбатан ЭКИХнинг 8 барава-ридан 12 баравагача миқдорда маъмурий жарима белгилайди (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 171-моддасининг иккинчи қисми, бундан кейин – МЖТК). Мансабдор шахснинг бўйин товлани дегадда юридик шахснинг депозит ҳисобрақами-

га келиб тушган валюта маблағлари суммасини, шу жумладан уларнинг мажбурий сотиладиган қисмини тўлиқ ўтказиш тўғрисида банк топшириғини расмийлаштириш бўйича қасддан қилинган ҳаракат ёки валютани мажбурий сотиш тўғрисидаги банк топшириғини расмийлаштирмаслик кўринишидаги ҳаракатсизлик тушунилади.

**Агар корхона назорат қилувчи органлар томонидан ҳуқуқбузарлик далили аниқланишига қадар валютани мажбурий сотиш бўйича бажарилмаган мажбуриятларни сўндирса**, бу раҳбариятнинг гарази бўлмаганлигидан, балки имтиёз қўллашнинг тўғрисида бобида янглишганлигидан далолат беради. **Хатони тузатишга йўналти-**

**рилган мазкур ҳаракатлар, башарти валюта тушуми транзит ҳисобрақамга ўз вақтида келиб тушса** ҳамда ўзаро боғлиқ бошқа ҳуқуқбузарликлар йўқ бўлса, раҳбарга нисбатан МЖТК 171-моддасининг иккинчи қисми бўйича санкциялар қўллашни истисно қилади.

Агар валюта маблағларининг сотилмаган ҳажми тўлдирилмаса, ҳуқуқбузарлик далили назорат қилувчи органлар аниқлайди ва уни МЖТК 171-моддасининг иккинчи қисми бўйича баҳолайди. Бу ҳолда раҳбарга нисбатан маъмурий жарима қўлланиши аниқ, корхонага нисбатан зарур ҳажмда валютани мажбурий сотиш тўғрисида кўрсатма берилган, кўрсатма унда белгиланган муддатда бажарилиши керак\*.

\*Тадбиркорлик субъектларини текшириш масалалари бўйича батафсил тушунтиришлар «Текширишлар: А дан Я гача» электрон маълумотнома тизимида берилган.

## СУД ҚАРОР ЧИҚАРАДИ

**?** Бизнинг заводимиз мойлаш материалларини ишлаб чиқаради (ХХТУТ бўйича коди 17900). Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни – йилига 1,5 минг тонна – идишларга қадоқлаймиз. Бу – асосий ва бирдан-бир фаолият туримиз. Маҳсулот давлат корхоналарига реализация қилинади, улар билан шартномалар халқаро кооперация биржасида тузилади. Маҳсулотга сертификат бор.

Ўздавнефтвазсинспекция ходимлари текширув ўтказганларида биз завод эмас, балки корхона ҳисобланишимиз хусусида баҳс юзага келди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига ва Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига биноан бизнинг фаолиятимиз лицензияланмайди деб ҳисоблаймиз. Айтмоқчи, биз лицензия олишимиз зарурми?

Д.Қодиров,  
МЧЖ директори.

– Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом (ВМнинг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарори билан тасдиқланган) фақат автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, печь ёқилғиси, нефть битуми, шунингдек заводда идишга қадоқланмаган техник мойлар ва мойлаш материалларини сотиш бўйича фаолиятга татбиқ этилади.

Унинг 2-бандига кўра, завод идишларига қадоқланган мойлаш материалларини реализация қилиш фаолияти мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган қоидаларга кўра лицензияланмайди. Завод идишларга қадоқланган мойлаш ма-

териалларининг савдо фаолияти доирасида амалга оширилаётган улгуржи реализацияси, Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ лицензияланади.

Ишлаб чиқариш фаолияти 289-сон Низомда ҳам, 242-сон Низомда ҳам қамраб олинмаган\*. Бироқ агар фаолият нефтни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлса, у Нефть, газ ва газ конденсатини казиб олиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган қоидалар бўйича лицензияланади.

Корхонагиз ишлаб чиқариш ёки савдо корхонаси ҳисобланиши тўғрисидаги низони суд инстанцияси ҳал қилиши мумкин.

\*Лицензиялаш масалалари бўйича батафсил тушунтириш материаллари «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ эксперт юридик хизмати бошлиги Артём МОКШИН тайёрлади.

### Реклама

**NORMA**

Эксперт  
маълумотнома тизими

**КОРХОНА ЮРИСТИ  
ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача**

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz



Ички аудит хизматимизда акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши томонидан аттестацияланмаган 4 ходим сурункасига тўрт йилдан бўён ишляпти. Улардан бирида аудитор сертификати мавжуд, аудиторнинг уч нафар ёрдамчисидан эса йўқ. Холбуки, Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга кўра, улар сертификатланган аудиторлар бўлишлари ва Кузатув кенгашининг ҳар йилги аттестациясидан ўтишлари керак.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фақат аудитор сертификати аудиторлик текширувларини мустақил ўтказиш ва аудиторлик ҳисоботида имзо қўйиш ҳуқуқини беради, қолган шахслар ушбу ҳуқуққа эга эмаслар. Бироқ хизмат сафарларида аудиторнинг сертификати бўлмаган ёрдамчилари, мустақил равишда, аудитор иштирокисиз текширув ўтказадилар ва Қонунга ҳилоф равишда аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисоботга ўз имзоларини қўядилар.

1. Ички аудит хизматида сертификатланмаган ходимлар ишлаш ҳуқуқига эгами? Агар эга бўлсалар, қандай асосга кўра?

2. Уларга ҳисоблаб ёзилган ва олинган иш ҳақи қонуний тўлов ҳисобланадими? 3. Аудиторлар битта ташкилотда сурункасига 3 йилдан кўп вақт ишлаш ҳуқуқига эгами?

ОАЖ бухгалтери.

## БУНДАЙ АУДИТ ҚОНУНДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН

### УНИ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ТАРТИБГА СОЛАДИ

– 1. Ички аудит хизмати – Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда<sup>1</sup> (бундан кейин – 215-сон Низом) белгиланган талаблар ҳисобга олинган ҳолда корхона кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг таркибий бўлинмаси.

Ички аудитни аудиторлик ташкилотлари ўтказадиган ташқи аудитдан фарқлаш керак. Ички аудит – корхона бошқарувининг ижро/ётувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишининг белгиланган ҳодалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг фаолияти (215-сон Низом 2-бандининг иккинчи хатбошиси).

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишди («Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисми, 2000 йил 26 майдаги 78-II-сон Қонун таҳририда).

Гарчи ички ва ташқи аудиторлар ўхшаш вазифаларни ҳал қилсалар-да, улар ўртасида фарқ борлиги кўринади. Ички аудиторларнинг функциялари одатда кенг бўлади. Ташқи аудиторлар аънага кўра аввало хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг таҳлили ва ишончлигини тасдиқлаш билан шуғулланадилар (Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низом<sup>2</sup> 5-бандининг иккинчи хатбошиси). Ички аудит эса корхона-ни назорат қилиш ва бошқаришнинг мавжуд тизимларини баҳолашга ҳам йўналтирилган (215-сон Низомнинг 12-банди). Яна бир фарқи шундан иборатки, ташқи аудиторлар аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида бошқарув қарорларининг иқтисодий асосланганлиги ва компания фаолиятининг самарадорлигини баҳоламайдилар. Бироқ бу одатда ички аудит вазифаларига қиради. Бундан ташқари, айти у техник топшириқларни ишлаб чиқишда корхона-нинг кузатув кенгашига ёрдам беради, аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича тавсиялар тайёрлайди, уларнинг тақлифларини баҳолашда ёрдам беради. 215-сон Низомнинг 6-бандига мувофиқ

ички аудит хизмати ходимлари қуйида-ги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

аудиторнинг малака сертификати эга бўлиш;

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий маълумотга, охириги 10 йилнинг камида 2 йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) эга бўлиш.

Бинобарин, агар ходимда аудиторлик сертификати бўлмаса, бироқ олий маълумотга ва тегишли иш стажига эга бўлса, у ички аудит хизмати ходими бўлиши мумкин. Унинг ходимлари сони қонун ҳужжатлари билан чекланмайди, у ички аудит мақсадларига самара билан эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак. Бироқ агар корхона активларининг баланс қиймати 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача миқдорни ташкил қилса, ушбу хизмат ходимлари орасида албатта камида икки нафар сертификатланган аудитор; агар 10 млрд сўмдан 50 млрд сўмгача бўлса – камида уч нафар сертификатланган аудитор; агар активларнинг баланс қиймати 50 млрд сўмдан ошган бўлса – камида тўрт нафар сертификатланган аудитор бўлиши шарт. Шунингдек хизмат раҳбарига аудитор сертификати мавжудлиги мажбурий талаб ҳисобланади (215-сон Низомнинг 8-банди).

Агар аудитор сертификати эга бўлмаган ходимларда олий маълумот ҳам бўлмаса, Меҳнат кодекси (МК) 106-моддасининг 4-бандига кўра тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича, ишга қабул қилишнинг белгиланган ҳодалари бузилганлиги муносабати билан, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаган ҳолда улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш керак (МКнинг 109-моддаси).

2. **Ҳа, қонуний.** Иш ҳақи иш берувчи меҳнат шартномасининг шартлари ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ходимга тўлаши шарт бўлган ҳақдир (МКнинг 154-моддаси).

3. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати қайд этилмаган бўлса, у номуайян муддатга тузилган ҳисобланади (МК 75-моддасининг иккинчи қисми). Бинобарин, ходимлар бир ташкилотда 3 йил ҳам, 10 йил ҳам сурункасига ишлашлари мумкин. Бироқ акциядорлик жамиятида ички аудит ходимлари корхонанинг кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши керак.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

<sup>1</sup>ВМнинг 2006 йил 16 октябрдаги «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 215-сон қарорига 2-илова.

<sup>2</sup>Президентнинг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» ПҚ-615-сон қарорига илова.

# ИМЗОМИ ЁКИ ВИЗА?

## ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАЛАРДА БОШ БУХГАЛТЕРНИНГ ИМЗОСИ БЎЛИШИ ЗАРУРЛИГИ ТЎҒРИСИДА БАҲСЛАР КЎПДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг (1996 йил 30 августдаги 279-1-сон) 8-моддасига мувофиқ пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари раҳбар томонидан ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини бажарувчи шахс (бундан кейин – бош бухгалтер) томонидан имзоланади. Уларнинг имзосисиз мазкур ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Қонуннинг ушбу қондасини кенг талқин қилиб, баъзи ташкилотларда ҳисоб-китоблар тартиби, пул мажбуриятлари ижроси назарда тутилмаган шартномага, раҳбардан ташқари, бош бухгалтер ҳам имзо чекиши керак деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрнинг қанчалик тўғрилигини таҳлил қилиб кўрамиз.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бухгалтерия ҳисоби ҳисобва-рақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулк ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш, самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш, молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва ҳисобот тузишга оид муносабатлар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) билан тартибга солинади. Яъни у корхоналар ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди ҳамда шартномага оид ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилмайди.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини олиш тартиби ҳамда усулларини, битимлар шакли ва шартномалар тузиш тартибини белгиламайди. Ушбу соҳани тартибга солиувчи асосий ҳужжат Фуқаролик кодекси (ФК) ҳисобланади, унда шартномада бош бухгалтернинг имзоси бўлиши тўғрисида талаб мавжуд эмас. У давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулк бойликлари олиш ёки топшириш учун берилган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши кераклигини талаб қилади, холос (ФК 138-моддасининг иккинчи қисми).

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда бош бухгалтер имзосининг йўқлиги, Қонуннинг 8-моддасига асосан, уларнинг аҳамиятсиз бўлишига олиб келмайди. Буни Фуқаролик кодексининг битимлар ҳақиқий эмаслиги асослари тўғрисидаги қоидалари (9-боб) ҳам тасдиқлайди. ФКнинг 116-моддаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш туфайли эмас, балки фуқаролик қонунчилигининг белгиланган меъёрларига мувофиқ эса юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади.

Бундан ташқари, фуқаролик қонунчилигига мувофиқ бош бухгалтер юридик шахснинг органи ҳисобланмайди. ФК 45-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ эса юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади.

Тижорат ташкилотлари одатда

акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ёки ҳусусий корхона шаклида иш юритадилар. Улардан дастлабки иккитаси органларнинг рўйхати ва ваколатлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1996 йил 26 апрелдаги 223-1-сон), «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги (2001 йил 6 декабрдаги 310-11-сон) тегишли қонунларда баён этилган. Уларга қуйидагилар кирди: умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, яккабош ва коллегиал ижро этиш органлари. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунга (2003 йил 11 декабрдаги 558-11-сон) мувофиқ ҳусусий корхона мулкдори уни раҳбар сифатида тинчо ўзи бошқаради.

Юридик шахснинг органи ҳисобланмаган бош бухгалтер унинг хоҳишини шакллантириш ва ифодалаш ваколатларига эга эмас. Шу сабабли шартномада бош бухгалтернинг имзоси йўқлиги уни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш учун асос ҳисобланмайди. Бинобарин, шартномаларга уни қўйиш шарт эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи ягона шахс директордир. Бош бухгалтерга бундай ваколатлар берилмаган. Демак, агар қонун чиқарувчи бош бухгалтерга жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ваколатини бермаган экан, шартномада унинг имзоси бўлиши мажбурий эмас деган мантиқий хулосага келиш мумкин.

Юқорида баён этилганлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

**Биринчидан**, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига татбиқ этилмайди. Бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келмаслиги керак.

**Иккинчидан**, ФКнинг 45-моддасига кўра, юридик шахс ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахс юридик шахснинг органи ҳисобланмайди. Шу сабабли шартномада унинг имзоси бўлиши шарт эмас.

**Учинчидан**, жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи ягона шахс директордир. Бухгалтер корхона номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ваколатларига эга эмаслиги боис шартномада унинг имзоси бўлиши шарт эмас.

**Тўртинчидан**, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бухгалтер имзоси бобидаги талаблари товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини қабул қилиш ва бериш учун, ҳисоб-китоб, кредит ва пул мажбуриятлари ижроси чоғида асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатларни расмийлаштираётганда мажбурийдир. Ушбу талаблар битимларни

тузиш чоғида тарафларнинг муносабатларига қўлланмайди.

Бинобарин, ҳозирда шартномаларда бош бухгалтернинг имзоси талаб қилинмаслиги тўғрисида сўзлаш учун анча салмоқли асослар мавжуд. Бироқ бу корхона директорининг ишончнома асосида шартномани ташкилот номидан имзолаш ҳуқуқини бухгалтерга беришини тақиқламайди (ФКнинг 138-моддаси).

Ҳар ҳолда имзолаш олдидан шартномани бош бухгалтерга кўрсатиш тавсия қилинади. Биринчидан, у шартнома ҳужжатларини бошланғич босқичда тайёрлашда иштирок этиб, шартномани бажариш чоғида юзага келадиган фирманинг солиқ мажбуриятларини, шартноманинг у ёки бу шакли қандай камчиликларга эгалиги, қандай шартлардан воз кечиш ва қандайларини, аксинча батафсилроқ қайд этиш мақбуллиги тўғрисида раҳбариятни олдидан хабардор қила олади. Иккинчидан, тузилиши режалаштирилаётган битимларнинг барчаси тўғрисида олдидан хабардор бўлган бухгалтерда моддий, молиявий ресурслардан фойдаланиш ва унинг оқилона бўлишини таъминлаш имкони бўлади.

Шартномани визалашни уни имзолашдан фарқлаш лозим. Визалаш имзолашдан фарқ қилиб, унга юридик куч бермайди. Бошқача қилиб айтганда, фақат бухгалтер имзолаган (агар у бунга ишончнома воситасида ваколат олмаган бўлса) ва директор имзоламаган шартнома кучга киролмайди.

Бухгалтерга шартномани юристан кейин визалаш тавсия қилинади. Экспертиза ўтказишнинг юрист – бош бухгалтер – директор тартиби энг самарали. Юрист шартномани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳуқуқий хатарларни аниқлаш бобида таҳлил қилади, бухгалтер (юрист билан ҳамкорликда) эҳтимолий солиқ ва бухгалтерия хатарларини аниқлайди. Натихада эҳтимолий ҳуқуқий, солиқ ва бухгалтерия оқибатлари нуктаи назардан ипидан-йғнасиғача таҳлил қилинган ҳужжат директорга имзолаш учун берилади. Директор ҳам, тўлиқ ахборотга эга бўлган ҳолда, эҳтимолий хатарлар ва кутилаётган фойдани ҳисобга олиб, шартнома тузишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Яна бир муҳим масала: агар кейинчалик шартнома матнида хатолар ёки қонунчиликка зид бўлган шартлар борлиги аниқланса, бухгалтер унга ўз визасини қўйганлиги учун муайян жавобгарликка тортиладими? Қонун қоидаларидан келиб чиқилса, тузиб бўлинган шартномаларни бажариш бўйича ҳўжалик операцияларини содир этиш билан боғлиқ ҳужжатларни имзолаганлик учун унда жавобгарлик юзага келади. Шартнома матнини «хатосиз бўлиши» учун текшириш биринчи навбатда ташкилот юридик маслаҳатчининг бурчидир. Шу боис бухгалтер томонидан шартномага виза қўйилиши унинг учун бирор-бир юридик аҳамиятли оқибатлар келтириб чиқиши мумкин эмас.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖ  
эксперт-юристи.

Куала-Лумпурда (Малайзия) Бухгалтерларнинг 18-бутунжаҳон конгресси бўлиб ўтди. Халқаро бухгалтерлар федерацияси ҳамда Малайзия бухгалтерлар институти томонидан ташкил этилган бу анжуман делегатлар сони жиҳатидан рекорд даражага эришди – анжуманда 150 дан ортиқ мамлакат ва орол худудларидан 6 мингдан ортиқ вакил иштирок этди.

## БУХГАЛТЕРЛАРНИНГ БУТУНЖАҲОН АНЖУМАНИ

Конгрессда 35 та ялли ва тармоқ мажлислари ўтказилди, уларда 195 та маъруза тингланди. Тадбир иштирокчилари молиявий-иқтисодий инкироздан кейин иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммоларини, «исломий молиявий воситалар» истиқболларини, бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудит соҳасидаги профессионалларнинг иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитидаги янги ролини, шунингдек бошқа бир қанча масалаларни муҳокама этдилар. Жаҳон иқтисодиётига йил сайин тобора кўпроқ интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун бу воқеа муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларимиз халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ва такомиллаштириб борилмоқда. Кейинги ўн йилликда молиявий ҳисобот халқаро стандартлари жадал ривожланиб, чинакам глобал стандартларга айланиб бормоқда, унга талабдор мамлакатлар сони кўпаймоқда. Шу сабабли ҳам жаҳонда содир бўлаётган барча воқеалар у ёки бу йўсунда бизда ҳам акс-садо бермоқда. Ўзбекистон бухгалтерлар ҳамжамияти бутунжаҳон миқёсидаги таъминлар ва воқеалар ўзанида бўлиш учун, шу жумладан профессионал ташкилот ёрдамида шу мuddаога эришиш учун 4 йилда бир марта ўтказиладиган бундай тадбирларда иштирок этиши ва жаҳон майдонида Ўзбекистон манфаатларини муносиб ифода этиши лозим. Конгресс ишида **Ўзбекистон бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси бошқаруvinинг раиси Дилноза Султонова** ҳам иштирок этди. У турли мамлакатларнинг делегатлари билан, шунингдек Халқаро бухгалтерлар федерацияси, Нидерландия ҳакам бухгалтерлар қиролик институти ҳамда Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кенгаши вакиллари билан учрашди.

Конгрессда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро сертификация дастурлари кўргазмаси ишлаб турди. Кўргазмада бу соҳадаги илгор тажрибага оид ахборотлар билан танишиш мумкин бўлди.

Бухгалтерларнинг бутунжаҳон конгрессидек муҳим тадбир, юқорида айтилганидек, ҳар 4 йилда бир марта ўтказилади. Навбатдаги анжуман 2014 йили Рим шаҳрида бўлади.

## КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИГА КЎМАКЛАШИБ...

Жаҳон банки Гурӯҳининг аъзоси бўлмиш Халқаро молия корпорацияси (IFC) Ўзбекистон Марказий банки ҳамда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти билан биргаликда кредит ахбороти алмашинуви тизими ҳамда мамлакатимизда уни ривожлантириш йўналишларига бағишланган семинар ўтказди. Унда вазирликлар, идоралар, банклар, кредит уюшмалари ва бошқа манфаатдор томонларнинг вакиллари иштирок этди.


Семинарда Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банкларо кредит бюросининг фаолияти тўғрисидаги маърузалар тақдим этилди. Халқаро эксперт, IFCнинг Кредит бюросини ривожлантириш бўйича глобал дастури раҳбари Тони Литго ўз маърузасида кредит ахбороти алмашинуви тизими жабҳасидаги халқаро тажриба шарҳини берди ҳамда бу тизимни Ўзбекистонда янада такомиллаштириш бўйича аниқ тавсияларни тақлиф қилди.

Бугунги кунда молия соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилнинг 1 октябри ҳолатига кўра, банклар томонидан иқтисодиётнинг базавий тармоқларига йўналтирилган жами кредит қўйилмалари ҳажми қарийб 11,4 трлн сўмни ташкил этган. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларига деярли 2,1 трлн сўм банк кредитлари ажратилган. Шу билан бир вақтда кичик бизнесни молиялаштиришга имкониятни янада ошириш учун салоҳият бор.

2009 йилнинг декабридан IFC Швейцария ҳукумати билан ҳамкорликда Ўзбекистонда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш лойиҳасини амалга ошириб келади. Унинг асосий мақсадларидан бири кичик бизнес ва аҳолини молиялаштириш имкониятини кенгайтириш учун мамлакатда кредит ахбороти алмашинуви тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.


Ўз ахборотимиз.

Шартномалар тузиш тартиби тўғрисида батафсил тушуниришлар «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида мавжуд.



## МУНДАРИЖА:

- ✓ Ўзгаришлар бўсағасида
- ✓ Йўлак кимнинг ҳисобидан ёритилади?



# ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА

Мамлакатимиз иссиқлик таъминоти тизими катта ўзгаришлар бўсағасида турибди. Ўзбекистон Республикаси иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг 2010–2020 йилларга мўлжалланган концепциясида\*\* (бундан буён матнда Концепция деб юритилади) ана шу улкан ўзгаришлар белгилаб берилган. Концепция шу соҳадаги асосий фондларни янгилаш ҳамда модернизация этишга, замонавий, тежамкор, энергияни иқтисод қиладиган технологияларни жорий этишга, хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга, иссиқликни таъмин этувчи ташкилотлар иш самарадорлигини ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилгандир.

Охир-оқибат Концепция истеъмолчиларга қаратилган бўлиб, улар иссиқлик энергиясини белгиланган нормативларга мувофиқ равишда олишини таъмин этмоғи лозим. Мазкур ҳужжат ижтимоий йўналишдан ташқари иқтисодий ва экологик йўналишларни ҳам ўзида мужассам этади. Концепцияда хусусан: биноларда мақбул ҳарорат режимини таъмин этишга қаратилган, сифатли ва узлуксиз иссиқлик таъминотининг замонавий, ресурс тежайдиган тизимини барпо этиш; мавжуд бинолар, турар жойлар, квартираларнинг истеъмол сифатини яхшилашга қаратилган техник ечимларни ишлаб чиқиш; кафолатланган иссиқлик таъминоти негизида, истеъмолчилар учун иссиқлик энергияси сарф-харажатларини камайтириш асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш сингари устуворликлар белгилаб берилган. Асосий вазифалар орасида иссиқлик таъминоти объектларига сифат стандартлари тизимларини, иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва уни истеъмол этиш ҳисобини олиб бориш ҳамда назорат қилишнинг замонавий марказлаштирилган тизимини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ҳамда кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш; бинолар қурилишида ҳарорат борасида йўқотишларни камайтирадиган замонавий материаллар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; иссиқлик таъминоти тизимини янада ривожлантиришни расамадга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бошқа кўплаб вазифалар бор.

## НИМАЛАРГА ТАЯНАМИЗ?

Мамлакатнинг марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950–1970 йилларда очиқ сув олиш тизими ва иссиқлик тармоғига тобе уланиш схемаси асосида шакллантирилгандир. Иссиқлик таъминоти учун сув, дастлаб қозонхонада тозалашдан ўтказилгач, иссиқлик тармоғидан келиб тушади. Очиқ иссиқлик таъминоти тизимларида ёпиқ тизимлардан фарқли равишда қувурларнинг ишдан чиқиш даражаси юқорирок, бунга қувурларда йиғилиб қоладиган қурумқатлам сабабчи. Булар эса ўз навбатида, квартираларни

иситишни ёмонлаштиради. Очиқ тизимларни монтаж қилиш катта харажат талаб этмайди, аммо улардан фойдаланиш анча қимматга тушади. Бунинг устига уларнинг хизмат қилиш муддати нисбатан узоқ эмас, фойдаланиш харажатлари катта, қолаверса, иссиқликни ҳосил қилиш, истеъмол этиш, етказиб беришда сувнинг ва иссиқлик энергиясининг сарфиёти нормативдан анчагина ошиб кетади.


Мамлакатимизда ҳосил этилаётган иссиқлик энергиясининг умумий ҳажмидан 78 фоизи Тошкентнинг ҳиссасига тўғри келади. Иссиқлик таъминоти тизими



\*Таҳририят ихтилоfli вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

\*\*Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси томонидан 2009 йил 31 декабрда 05/3-166-сон билан қабул қилинган.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларидан иборат икки қисмдан ташкил топади. Мамлакатимизда 2,3 мингга яқин қозонхона, шу жумладан, йирик туман марказий электр иссиқхоналари ва қозонхоналар бор, улар истеъмолчиларга иссиқлик таъминоти тизими орқали уланган. «Иссиқлик манбаи» тизимидаги айрим корхоналар иссиқлик энергиясини улгуржи йўсинда қайта сотувчилар ҳисобланади, уларнинг ҳамкорлари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизимининг хўжалик субъектлари, шунингдек бошқа идораларнинг қозонхоналари ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ҳам уни етказиб берувчи ҳисобланади. Қозонхоналарнинг 80,6 фоизи газсимон ёқилғи, 13,3 фоизи қаттиқ ёқилғи ва 6,1 фоизи суюқ ёқилғи билан ишлайди.

Мамлакатимиз бўйича қозонхона ускуналарининг емирилганлик даражаси 70 фоизга бориб қолади, баъзи минтақаларда 1938–1960 йилларда ўрнатилган шундай ускуналардан фойдаланиб келишмоқда. Қозонхона ускуналарининг, асосий ва тақсимлагич, қолаверса, уй ичидаги ички иссиқлик тармоқлари ва ускуналари емирилиб, ишдан чиқиб бораётганлиги муносабати билан 1 Г/кал иссиқлик ишлаб чиқариш учун ёқилғининг (табiiй газнинг) сарфиёти нормадагидан 1,5 баравар кўп. Марказий иссиқлик таъминотини қўшимча равишда сув билан таъминлаш ўрта ҳисобда 1,54 марта, шу жумладан Тошкентда 1,65 марта кўпдир.

Мамлакатимизда иссиқлик тармоқларининг узунлиги 5 минг км га боради. Шуларнинг қарийб 35 фоизи реконструкцияга муҳтож. Уйнинг ички иссиқлик тармоқлари эскириб, ишдан чиқиб бораётганлиги кўп квартиралар уйларда иссиқлик таъминоти белгиланган норматив кўрсаткичлар даражасида бўлишига йўл қўймапти, шу сабабли ҳам одамлар квартираларини баъзан газ ва электр иситгич асбоблари ёрдамида иситишга мажбур бўлмоқдалар.

Концепцияда иссиқлик таъминоти тизимидаги камчиликлар қайд этиб ўтилган. Ёқилғидан фойдаланиш самарадорлиги юқори эмаслиги, корхоналар иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш технологиясини бузаётганлиги боис иссиқлик таъминоти қувурларининг хизмат кўрсатиш муддати узок эмаслиги, иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар иши назорат этилмаслиги ва иссиқлик етказиб беришда кўрсаткичларга риоя этиш устидан назорат олиб борилмаслиги, қувурларни ўтказишда уларни занглашдан ҳимоя эта олмайдиган эски технологиялар қўлланиб келинаётганлиги шундай камчиликлар жумласидандир. Узатма боғламалар ва ички тақсимлагич тармоқлари тузилмаси уларни гидравлик йўл билан бошқариш имкониятини истисно этади, бу эса ўз навбатида, истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашда носозлик ва камчиликларга олиб келади. Иссиқликни яхши ихоталай олмайдиган материаллар қўлланиб келинаётганлиги боис иссиқлик энергияси кўплаб йўқотилмоқда. Қиш кезлари ҳарорати паст иссиқлик берилиши тораювчан қурилмаларни тез ишдан чиқаради, иситиш тизимларидан сув силқиб оқадиган бўлиб қолади.

### ИСЛОҲОТ ЙўНАЛИШЛАРИ

Концепцияда иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ этиш йўналишлари белгилаб берилган. Энг аввало, иссиқликни таъминловчи корхоналарнинг техник ҳолатини, хусусан, қозонхона ускуналари, асосий ва тақсимлагич иссиқлик тармоқларини инвентаризациядан ўтказиш назарда тутилган. Уйнинг ички ускуналарини, ўзак ва узатма қувурларни кўздан кечириб чиқиш, кўп қаватли уйларнинг сиртки қопламасининг емирилиш даражасини ва иссиқликни бой бериш даражасини аниқлаш, уй-жой фондининг иссиқ сув ва иссиқлик энергияси сарфини ҳисобловчи асбоблар билан қанчалик таъмин этилганлигини аниқлаш лозим.

Инвентаризация натижалари таҳлил этилганидан кейин мамлакатимиздаги 29 та йирик шаҳар иссиқлик таъминотини ривожлантиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Унда тизимни қайта қуришда асос қилиб олинадиган муҳим стратегик йўналишлар назарда тутилади. Шулардан бири Бухоро, Нукус, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги йирик иссиқлик манбаларида газ-турбина тех-

нологияларини қўллаган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини бир йўла ҳосил этиш қурилмаларини жорий этишдан иборатдир. Бу нарса газни турбина қурилмасида электр энергияси ҳосил қилишга ва шу аснода турбинадан тарқалаётган иссиқликни утилизация қилишга йўллаш ҳисобига энергия юритмасини 30 фоизга қадар тежаш имконини беради. Айни бир вақтда атмосфера ҳавосининг экологик ҳолатини яхшилаш масалаларига доир Киото протоколи талабларига монанд иш бўлади.

Иссиқлик энергиясининг 70 фоиздан кўпрогини ҳосил қилиб бераётган қозонхоналарни капитал таъмирлаш, ижтимоий инфратузилма объектларида маънан эскирган ва тежамкор бўлмаган қурилмаларни алмаштириш мўлжалланмоқда. Бундай қурилмалар ўрнига «ЭНКОН» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, КВ, МКВ, «Истал» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, ТВГ қозонларини – иссиқликни расамадга солувчи автоматика ҳамда газ тўлиқ ёнишини таъминлайдиган «горелкалар» билан таъминланган, фойдали иш коэффициенти юқори, ёқилғи-энергетика ресурсларини камида 35 фоиз тежалишига олиб келадиган, мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган замонавий, серсамара қозонларни ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Ислохотларнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ижтимоий-маданий ва маиший объектлар ҳамда уй-жой фондларини иссиқлик таъминотининг ҳамда иссиқ сув таъминотининг ёпиқ тизимига ўтказишдан иборатдир. Бу ишни синов тариқасида Навоий шаҳридан бошлаш мўлжалланмоқда. Сўнгра Чирчиқдаги мавжуд иситиш тизимини ишдан чиқа бошлаган темир қувурларни пластик қувурларга алмаштириш йўли билан ёпиқ тизимга ўтказиш режалаштирилмоқда.

Концепцияда уй ички муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, хусусан, иситиш тизимини ва иссиқ сув таъминоти қувурларини тиклаш; ертўлалар ва чордоқлардаги қувурларни иссиқ сақланишини таъминлайдиган тарзда ўраб чиқиш; бошқарувнинг узатма боғламаларини таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек, горизонтал кўтармаларга ўтиш назарда тутилмоқда. Булар эса иссиқлик истеъмоли ҳисобини ҳар бир квартира бўйича олиб бориш, кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш имконини беради.

Маҳаллий иссиқлик таъминоти имкониятларидан фойдаланиш мақсадида маҳаллий қозонхоналар билан таъминланадиган ижтимоий объектлар ва уй-жойларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қабул қилиб олишнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий базасини қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Маҳаллий иситиш ҳамда иссиқ сув таъминоти тизими аста-секин уйларнинг марказлаштирилган тармоғидан четроққа чиқиб қолади, бу эса кўп қаватли уйлар ва жамоат биноларини нормативдагидек иситишни мураккаблаштириб қўяди. Объектларга иссиқлик таъминотида хизмат кўрсатиш ишига бозор муносабатлари асосида ёндашиш мўлжалланмоқда: «Санотконтехназорат» давлат инспекциясидан рухсатномаси бўлган муқобил сервис ва бошқарувчи ташкилотларни шартномавий ва танлов асосида танлаш имконияти юзага келади.

Бугунги кунда иссиқлик энергияси, гарчи унинг резервлари етарлича бўлса-да, истеъмолчиларга белгиланган кўрсаткич даражасида етиб бормаяпти. Иссиқлик тармоқларининг ўтказиш қобилияти паст эканлиги сабабли шундай бўлмоқда. Худди шу туфайли Концепцияда 600 км узунликдаги иссиқлик тармоқларини, асосан вилоятлар марказларидаги, шунингдек Тошкент, Қўқон, Чирчиқ, Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларидаги иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш назарда тутилган. Шунингдек, узунлиги 700 км дан зиёда, емирилиб, ишдан чиқаёзган иссиқлик қувурлари ихоталанган металл ва пластик қувурлар билан алмаштирилади. Бундай қувурлар ички ва ташқи коррозияга чидамли бўлиб, иссиқлик энергияси бой берилишини камайтиради, 50 йилдан ортиқ муддатга чидайди.

Иссиқ ва совуқ сув сарфини ҳисоблагич асбоблар ўрнатиш йўли билан истеъмол этилаётган иссиқлик энергиясини 20 фоизга қадар тежаб қолиш, шунингдек абонентларнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш шарофати билан истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш мўлжалланмоқда.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

Концепцияни уч босқичда амалга ошириш мўлжалланмоқда. Биринчи босқич 2010–2012-йилларни, иккинчиси 2013–2016 йилларни, учинчиси эса 2017–2019 йилларни қамраб олади.

### БОШҚАЛАРДА БУ ИШ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

**Данияда** энергетика соҳасида ўзгаришлар қилишга 1973 йили киришилган эди. Бу мамлакат иссиқлик таъминотининг марказлаштирилган тизимини ривожлантиришда катта ўзгаришларга эришди. Мазкур тизимга 500 мингдан ортиқ қурилма уланди, улар 1 млн дан ортиқ бино ва саноат иншоотларини иссиқлик билан таъмин этмоқда. Иссиқлик энергиясини барча истеъмолчиларнинг қарийб 60 фоизи, йирик шаҳарларда эса 90 фоизи шу йўсинда олмоқда. Иссиқлик ва электр энергиясини биргаликда ҳосил этиш борасида юксак натижаларга эришилди. Электр ҳосил қилиш марказларининг фойдали иш коэффициентини 90 фоизни ташкил этмоқда. Барча энергиянинг 40 фоизга яқинини ҳосил этишда маҳаллий қайта тикланадиган энергия ресурсларидан, шу жумладан, биоёқилғи ва шамол энергиясидан фойдаланилмоқда.

Марказий иссиқлик таъминоти тармоқларининг тежамкорлиги қувурлардаги иссиқлик бой берилиши кескин камайиши (4 фоизга яқин) орқали таъминланади. Бунга эса янги материаллар ва технологиялардан, хусусан иссиқлик ихотаси юқори бўлган полимер қувурларни қўлланиш, қувурларни ўрнатишда ва улардан фойдаланишда илғор усулларга, иссиқлик сарфиётини назорат қилиш ва бошқариб туришнинг турли автоматикасига, ҳисоблагич асбобларга, бино ичидаги ҳар бир радиаторни яқка тартибда бошқариш асбобларига ўтиш орқали эришилади. Шу йўл билан истеъмол этилаётган ресурсларни 50 фоизга яқин тежаш мумкин.

Европадаги кўпгина мамлакатлар, Хитой ва АҚШ Дания тажрибасидан фойдаланиб келмоқда. Энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатларда иссиқлик таъминотини модернизация

қилишнинг умум қўлланиладиган стратегияси деб эътироф этилган.

**Германияда** «Энергияни тежовчи иссиқлик ҳимояси ҳамда энергияни тежовчи иситиш қурилмалари тўғрисида»ги қарор тасдиқланган ва амалга киритилган. Бу қарор билан иситиш ва иссиқлик сув таъминоти борасида биноларга нисбатан юқори даражадаги энергетика талаблари белгилаб берилди. Квартиралардаги ҳароратни бошқариб туриш, иссиқлик истеъмолини индивидуал тарзда ҳисобга олиш ва ҳақиқатда истеъмол қилинган иссиқлик учун ҳақ тўлаш эвазига бу борадаги сарфиётни 40 фоизга қисқартиришга муваффақ бўлинди.

**Эстонияда** уй-жой ва коммунал хўжалигини ривожлантириш дастурини амалга оширишда энергияни тежаш ва модернизациялашга, шу жумладан, иссиқлик таъминотини модернизациялашга алоҳида урғу берилмоқда. Шунинг ҳисобидан кўп квартиралар уйларда бугунги кунда иситиш харажатларини 30 фоиз тежашга эришилди. Энергияни тежайдиган тадбирлар орасида иссиқлик алмашилишида яқка тартибдаги иссиқлик пунктларини ўрнатиш, уйлардаги иссиқлик таъминотининг очиқ схемасини реконструкция қилиб, ёпиқ схемага айлантириш, уйларнинг сиртига иссиқликни ихота этувчи материал қоплаш, деразаларни, йўлакларга кириш эшикларини таъмирлаш ва ўзгартириш сингари ишлар бор. 2009 йилнинг бошларида умумий саҳни 1 000 кв м дан зиёдроқ қурилаётган уйлар, шунингдек жамоат бинолари учун энергетика паспортлари жорий этилди. Бундай ҳужжат бинони ёки унинг бир қисмини сотиш ёхуд ижарага беришда, агар сотувчи ёки ижарага олувчи талаб қилса, кўрсатилмоғи керак.

**Россия** марказлаштирилган иссиқлик таъминоти масалаларини ҳал этишда кўпроқ Германия, шунингдек Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари тажрибасига таянади. Бу гап, хусусан, иссиқлик ва электр энергиясини бирийўла ҳосил қилишда, шунингдек иссиқликни ўтказиш, тақсимлаш ҳамда истеъмол қилиш схемаларида янги технологиялар ва техникаларни қўлланишга тааллуқлидир. ①



## Муаммолардан бири

# ЙЎЛАК КИМНИНГ ҲИСОБИДАН ЎРИТИЛАДИ?

**?** *Бизнинг ХУМШ умумфойдаланиш жойларига электр энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланганлик ҳақини тўлаш юзасидан электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмаган. Бир сафар шаҳар электр тармоғи идорасидан назоратчи келиб, ширкатимизга қарашли уйларнинг йўлакларидан қанча лампочка ўрнатилганлигини ҳисоблаб чиқди ва уларнинг сонини уч йилга кўпайтириб, шунга ҳақ тўлайсиз, деб ҳисоб тақдим этди. Бироқ, айтилган уч йил юзасидан энергия етказиб берувчилар бизга йўлакларнинг ўритилганлигига ҳақ тўлаш юзасидан на оғзаки, на ёзма даъво тақдим этганлари йўқ. Шартнома ширкатимиз жойлашган жой бўйича тузилган бўлиб, шартноманинг ҳеч бир бандида йўлаклар ўритилганлиги учун ўз ҳисоб-китоб варағимиздан ҳақ тўлашимиз кўрсатилмаган. Бу хусусда алоҳида шартнома ҳам йўқ. Электр энергияси етказиб берувчилар ХУМШ устидан судга даъво киритдилар, суд эса ўз қарори билан зиммамизга уч йил юзасидан қарзни тўлаш мажбуриятини юкледи. Йўлаклар ўритилганлиги ҳақини ким тўлаши керак, умуман, бу иш қонун ҳужжатларида қандай тартибга солинган?*


Э.Унаров, Ангрен шаҳридаги «Фаровон-А» ХУМШ раиси.

– Ҳар бир квартира мулкдори ўз турар жойининг электр таъминоти юзасидан энергия етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномага эга. Квартира ўритилганлиги учун биз ҳақни ҳақиқатда истеъмол этилган энергия учун ҳисоблагич асбоб кўрсаткичлари бўйича, бундай асбоб бўлмаганда эса нормативлар асосида тўлаймиз. Йўлак-

лар ўритилганлигидан шу уй аҳлининг ҳаммаси баҳраманд бўлади. Йўлак ўритилганлиги учун, шак-шубҳасиз, ҳақ тўлаш керак: истеъмол бор экан, унга ҳақ тўланиши шарт.

Йўлакларнинг (чердақлар ва ертўлаларнинг) электр таъминоти коммунал хизматлар сирасига киради. Бундай хизмат харажатларини шу уйдаги бар-

ча мулкдорларга тегишли умумий мол-мулк рисоладагидек сақланишини таъминлаш мақсадида ширкатга бирлашган ХУМШ аъзолари кўтармоғи керак. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги 2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон Қонунга мувофиқ кўп квартиралар уйининг умумий жойлари, таянч



Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



# TOP

ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 50 (283) 2010 йил 21 декабрь

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33, Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

Тўлов – исталган шаклда

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

## АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

ТУV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

### РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

**РЎЙХАТЛАР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи                 | СТИР      | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | ХТУТ (ОКРО) | Қарор рақами  |
|------------------------------|-----------|-----------------------------------|-------------|---------------|
| “KAPITAL-KONTAKT” МЧЖ        | 206736814 | 28.07.06 001863-03.               | 21343845    | 10-1001/20047 |
| “ZODIAK-SAV” МЧЖ             | 206138807 | 18.06.07 001361-03                | 20659899    | 10-1001/20048 |
| “INTEGRAL-USTO” УК           | 300500327 | 03.07.07 002633-037               | 22015551    | 10-1001/20049 |
| “KASB BARAKA” УК             | 300865244 | 17.06.08 003297-03                | 22416095    | 10-1001/20050 |
| “KIM-GLOBAL” МЧЖ             | 300615515 | 13.11.07 002867-03                | 22104071    | 10-1001/20051 |
| “ANGEL'S FLOWERS DESIGN” МЧЖ | 300736396 | 27.02.08 003074-03                | 22321526    | 10-1001/20052 |
| “OSIYOSAYONTRANS” ХК         | 200835165 | 05.02.08 003028-03                | 02681783    | 10-1001/20053 |
| “ANEETE GARDEN DESIGN” ХК    | 300526641 | 31.07.07 002684-03.               | 22015901    | 10-1001/20054 |
| “DONGHO YONSEI” МЧЖ          | 300644005 | 29.04.08 002925-03.               | 22217444    | 10-1001/20055 |
| “SANDAN-TRIO” МЧЖ            | 206471609 | 29.11.06 001480-03.               | 20966741    | 10-1001/20056 |
| “MOTO-SHOP” МЧЖ              | 202525462 | 19.03.98 2848(0929)               | 16951453    | 10-1001/20057 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 1 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод туман Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-1006/27910-сонли қарорига асосан Оҳангарон шаҳардан рўйхатдан ўтган “Сигма плюс бизнес” ХК (СТИР 301158893) соддалаштирилган тартибда банкротлик иши қўзғатилди. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Оҳангарон ш., Холмухаммедов кўчаси, Оҳангарон шаҳар давлат солиқ инспекцияси биноси, 2-қават, 18-хона. Йиғилишда ушбу корхона ва ташкилотларни банкрот деб эътироф этиш ҳамда тугатиш бошқарувчиси номзодини тайинлаш масалалари кўриб чиқилади. Суд мажлиси муҳокамаси 2010 йил 24 декабрь соат 10.20 да бўлиб ўтади.

Тел. 645-57-41.

ART MEBEL GROUP  
Офис ва уй учун  
МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда  
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собик МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – “Фунча” кинотеатри, “Тинчлик” м.б.)

Тўлов – исталган шаклда  
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги  
дренаж учун ГНОМ туридаги  
К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли  
ЦМК туридаги фекаль  
“Андижанец” насоси

“КАСКАД” ҚЎЗ

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

«CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

- Гипсокартон учун рух қопламадан профиллар
- Шип учун осма тизимли «Armstrong» плиталари
- Кабель маҳсулотли
- Бўёқлар, алиф мой, лок
- Кир ювиш кукуни, совун
- Электродлар
- Кальций карбиди
- Битум, рубероид
- Линолеум
- Қуруқ қурилиш аралашмалари
- Алебастр
- Белкураклар, челақлар, болталар
- Мўйқаламлар, валиклар, колерлар
- Қулфлар (ўйма ва осма)
- ПВА елими, КМЦ
- Ёзув-чизув товарлари

Товар сертификатланган

Шунингдек 500 дан ортиқ номланишда

Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250  
Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 декабрдаги ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи          | Ажрим рақами  | Тугатув бошқарувчиси |
|-----------------------|---------------|----------------------|
| “GHIG'ATOY SAVDO” МЧЖ | 10-1019/18974 | О.Кабилов            |
| “DUOS SISTEM” МЧЖ     | 10-1019/18982 | О.Кабилов            |
| “GOLD-MAK-SAM” МЧЖ    | 10-1019/18973 | М.Мирпўлатов         |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 3 ой давомида ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яққасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

| Корхона номи                 | Ажрим рақами      | Юридик манзили |
|------------------------------|-------------------|----------------|
| “VIP INFOTECH” МЧЖ           | У.Носир кўч., 91  | 10-1005/19484  |
| “VARIED CONSTRUCTION” МЧЖ    | Бобур кўч., 6     | 10-1005/19482  |
| “TRANS EKO IMPORT” МЧЖ       | А.Қаҳҳор кўч., 47 | 10-1005/19477  |
| “CHARM POYABZAL TA'MINOT” ШК | Бобур кўч., 6     | 10-1005/19478  |
| “AGROTARAQQIYOT QURILISH” ШК | У.Носир кўч., 100 | 10-1005/19480  |
| “HIKMAT HOJI OTA” ХФ         | Спитамен кўч., 3  | 10-1005/19482  |
| “SURBU QURILISH” МЧЖ         | У.Носир кўч., 52а | 10-1005/19483  |

Мазкур корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яққасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Фарход кўчаси, 6а-уй, Яққасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

**“Аудит-ВАРН” МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,  
уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел. +998974541664

**РЎЙХАТЛАР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 1 декабрдаги 10-1019/19746-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги “Zangiota Savdo Invest” ХК ҳамда 10-1008/19541-сонли ҳал қилув қарорига асосан “Komil Premier Trade” МЧЖ банкрот деб эълон қилинган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Ахмурзаева тайинланган. Мазкур корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 6-хона.  
Тел.: 257-77-70, 257-74-51.

| ЭЪЛОНЛАР  | ЭЪЛОНЛАР   | ЭЪЛОНЛАР |
|---|--|----------|
| <b>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</b><br>Шартномаларни визалаш, хўжалик судида манфатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел. 449-03-03. | <b>ХИЗМАТЛАР</b><br>Ташкилий техника, компьютерлар, ноутбуклар, мониторлар, принтерларни таъмирлаш. Тўлдириш. Жойига чиқиш билан.<br>Тел. 903-73-93.   |          |
| Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.  | Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш. Тел.: 102-72-98, 244-58-12.   |          |
| Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш. Адвокат Шуман Неля Сергеевна*. Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).                              | <b>«АСТОРИЯ» ресторани</b><br><b>24 декабрдан 31 декабргача</b><br>янги йил байрамларини ўтказишга буюртмалар қабул қилади. Тўлов – нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан.<br>Манзил: Тошкент халқаро автйўли, Ҳ.Умаров кўч., 8Г. Мўлжал – Тошкент вагон таъмирлаш заводи, «Корзинка» супермаркети.<br><b>Тел.: 250-42-10, 250-42-11.</b> |          |
| <b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b><br>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.  | Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш. Тел. (+99897) 340-45-08.   |          |
| <b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ. АРЗОН*.</b><br><b>Тел. 176-23-13.</b>   | Сервис маркази. Тел. (+99897) 410-80-77.   |          |
| <b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b><br>Тиклаш. Юритиш. Тел. 100-65-80.  | Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш.<br>Тел.: (+99897) 450-03-24 Светлана,<br>(+99897) 158-46-10 Сергей.  |          |
| <b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b><br>Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.   | <b>ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ:</b> техник, тиббий, юридик ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонунийлаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.  |          |
| <b>КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ</b><br>Бизнес-режалар, ТИА, баҳолаш*. Тел. 500-70-30.  | Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17.  |          |

\*Хизматлар лицензияланган.

**РЎЙХАТЛАР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 19 февралдаги 10-0916/20144-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги “MUXAMMAD JAVAHIR SAVDO” МЧЖ ҳамда 10-0916/20146-сонли ҳал қилув қарорига асосан “SAM PLAST INVEST” МЧЖ банкрот деб эълон қилинган.

Кредиторларнинг якуний йиғилиши 2010 йил 21 декабрь куни соат 17.00 да Тошкент ш., Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хонада бўлиб ўтади. Барча кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4-1-хона.  
Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 14 декабрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи               | СТИР      | Раҳбар исм-шарифи  | Манзили                               | Қарор рақами  |
|----------------------------|-----------|--------------------|---------------------------------------|---------------|
| “IHTIYOR FAYZ” ХК          | 301362775 | И.Жўраев           | Ўразбоев-8                            | 10-1001/19756 |
| “SIDDIQ-XIKMAT” МЧЖ        | 301464442 | С.Холмухамедов     | Зарқайнар кўч., т-5, 3                | 10-1001/19771 |
| “QATRON” МЧЖ               | 201250561 | Ф.Мухамедов        | Талант кўч., 1                        | 10-1001/19753 |
| “ELYOR FARM” ХК            | 301621104 | А.Саидов           | Сағбон кўч., т-6, 9                   | 10-1001/19769 |
| “NILUFAR DIYOR” ХК         | 301501657 | Ш.Сағатова         | Қорақамиш 2/3, 11-32                  | 10-1001/19774 |
| “ATHENS BURGER” ХК         | 301404380 | Х.Шаубаев          | Тансиқбоев-3, 35-23                   | 10-1001/19770 |
| “BIOMEDPREPARAT” МЧЖ       | 201207526 | А.Валиев           | Шомахмудов кўч., 90                   | 10-1001/19754 |
| “OMAD-RIVOJ” ХФ            | 200648564 | Т.Қорабоев         | Муқимий кўч., 34а                     | 10-1001/19755 |
| “BUSINESS SUPERINTEND” ХК  | 301103510 | Д.Исмоилова        | Мофқўргон-393                         | 10-1001/19767 |
| “NIKROPOL PROGRESS” МЧЖ    | 300630008 | О.Рузикулов        | Қибрай тумани, Беруний-24             | 10-1001/19766 |
| “IMPERIYA TURON” МЧЖ       | 205839813 | Х.Зокиров          | Ўразбоев, 1а                          | 10-1001/19765 |
| “SHOGIRD” ХК               | 201257322 | А.Расулов          | Қорасарой, Ц-22, 103                  | 10-1001/19768 |
| “GOLD MAKOTEX” МЧЖ         | 301523835 | М.Валиев           | Қорасарой кўч., т-3, 3                | 10-1001/19775 |
| “CHUQURSOY FOOD” ХК        | 300909551 | Т.Болтабоев        | Қорақамиш 1/2, 3-76                   | 10-1001/19760 |
| “RAPISON UNIPROM” ХК       | 300624726 | Мўмин-Охунор Анвар | Қизил Қўшин, 71                       | 10-1001/19757 |
| “MIRVAHID-SAVDO” МЧЖ       | 205714620 | С.Обидов           | Белтепа кўч., 11-110                  | 10-1001/19762 |
| “AVIVA TRADE” МЧЖ          | 300679680 | Ў.Абдурахмонов     | Қалонув кўч., савдо растаси, 11-дўкон | 10-1001/19763 |
| “TASHKENT BEST TRAVEL” МЧЖ | 206995786 | Ж.Хамидов          | Беруний-1, 13-17                      | 10-1001/19772 |
| “MOBN-NUR” МЧЖ             | 301518570 | Қ.Маллаев          | Қамарнисо-37                          | 10-1001/19773 |
| “GARPIYA GOLD TRADING” МЧЖ | 300912724 | Ж.Исмоилов         | Парвариш кўч., т-1, 7                 | 10-1001/19758 |
| “TRANSE PRODUCT ELIT” ШК   | 206986884 | “Ёруғлик” ТШИЧБМ   | Иброҳим ота маҳалласи, 21             | 10-1001/19764 |
| “AVTOSHANS” ХК             | 300893449 | М.Акбаров          | Норастепа кўч., 32                    | 10-1001/19759 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади.  
Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 13 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи            | СТИР      | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | Юридик манзили            | Қарор рақами  |
|-------------------------|-----------|-----------------------------------|---------------------------|---------------|
| “TOXIR BANHIYOR O'G'LI” | 202645764 | 21.09.98 848                      | Замахшарий 2-тор кўч., 12 | 10-1019/20212 |
| “FATUM STAR”            | 301377566 | 18.11.09 003269-01                | Фозилтепа кўч., 11-корпус | 10-1019/20209 |
| “VIGA”                  | 203617046 | 29.05.01 01-00392                 | Чилонзор 13-9-37          | 10-1019/20214 |
| “MUXAMMADSODIQ-SAVDO”   | 300888224 | 14.07.08 002306-01                | Тонг 4-тор кўч., 13       | 10-1019/20205 |
| “MEGA STROY BIZNES”     | 301323292 | 18.09.09 003136-01                | Факирий кўч., 75          | 10-1019/20211 |
| “BEHRUZ MEDIKAL FARM”   | 301088823 | 27.02.09 002723-01                | Чилонзор 12-7а-63         | 10-1019/20213 |
| “KOSTAS COMPUTERS” ХК   | 300017396 | 04.10.06 001239-01                | Чилонзор 23-45-12         | 10-1019/20207 |
| “UMIDAXON-CHIROY”       | 301266997 | 20.07.09 003035-01                | Изза мавзеси, 102в-175    | 10-1019/20210 |
| “SN GLUE”               | 301396851 | 09.12.09 003312-01                | Раҳимбоев кўч., 56        | 10-1019/20206 |
| “VAVLIJ TRADING”        | 301479011 | 30.01.10 003502-01                | Гулистон 6 кўчаси         | 10-1019/20215 |
| “ASL MEBEL IMKON PLUS”  | 301480700 | 04.02.10 003516-01                | Боситхон 1-тор кўч., 19   | 10-1019/20208 |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамгалари ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қават, 4-хонасида қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 3 декабрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи                      | Қарор рақами        |
|-----------------------------------|---------------------|
| “DVD-FENDER” МЧЖ                  | 10-1001/19319(26)-т |
| “DIGITAL SYSTEM SERVIS” ХК        | 10-1001/19320(26)-т |
| “MILANZUR” МЧЖ                    | 10-1001/19321(26)-т |
| “MADINA TRAVEL” МЧЖ               | 10-1001/19322(26)-т |
| “BARS-QALQON” МЧЖ                 | 10-1001/19323(26)-т |
| “ASSORT PARRANDA” МЧЖ             | 10-1001/19324(26)-т |
| “RUSKVAS-TASHKENT” МЧЖ            | 10-1001/19325(26)-т |
| “SAMANDAR BIZNES BARAKA” МЧЖ      | 10-1001/19326(26)-т |
| “AQVATEST” ИИЧК-МЧЖ               | 10-1001/19328(26)-т |
| “REGION SYSTEM SERVIS” МЧЖ        | 10-1001/19329(26)-т |
| “DAVRON ALOQA” МЧЖ                | 10-1001/19330(26)-т |
| “LADINA” ХФ                       | 10-1001/19331(26)-т |
| “ROSE ART STYLE” МЧЖ              | 10-1001/19331(26)-т |
| “FAVORITE TRADING GROUP” МЧЖ      | 10-1001/19332(26)-т |
| “INTERNATIONAL EXCELLENT PAY” МЧЖ | 10-1001/19334(26)-т |
| “NODIRABEGIM TRANS” МЧЖ           | 10-1001/19335(26)-т |
| “BOBUR SAVDO RIVOJ” МЧЖ           | 10-1001/19337(26)-т |
| “MORSKAYA OSTANKINO” ХК           | 10-1001/19339(26)-т |
| “LOKSER BIZNES” ХК                | 10-1001/19340(26)-т |
| “TOPRAK TEX” МЧЖ                  | 10-1001/19341(26)-т |
| “INRECON-GOLD STATUS” ХК          | 10-1001/19342(26)-т |
| “ARTLUK OYL PLYUS” МЧЖ            | 10-1001/19343(26)-т |
| “CHORSU NUR SAVDO” МЧЖ            | 10-1001/19344(26)-т |
| “SERVICE OF SAFETY SECURITY” МЧЖ  | 10-1001/19345(26)-т |
| “AGROMASH STROY INVEST PLUS” МЧЖ  | 10-1001/19346(26)-т |
| “SHINAVANDA-PRINT” МЧЖ            | 10-1001/19347(26)-т |
| “SHOXRUX-SHOXRIYOR-BIZNES” ХК     | 10-1001/19348(26)-т |
| “AKADEM-ZIYO” МЧЖ                 | 10-1001/19349(26)-т |
| “TADBIRKOR-SHAM” МЧЖ              | 10-1001/19350(26)-т |
| “EXPRESS-REKLAMA” МЧЖ             | 10-1001/19351(26)-т |
| “ULKAN SARMOYA” МЧЖ               | 10-1001/19352(26)-т |
| “NEO HELIKON” МЧЖ                 | 10-1001/19353(26)-т |
| “SIDKOM-QURILISH” МЧЖ             | 10-1001/19354(26)-т |
| “NUAR FRO” МЧЖ                    | 10-1001/19355(26)-т |
| “AEMON INTERNATIONAL” МЧЖ         | 10-1001/19356(26)-т |
| “GANGA INTERNATIONAL TRADING” МЧЖ | 10-1001/19357(26)-т |
| “WEST FOREIGN PLUS” МЧЖ           | 10-1001/19358(26)-т |
| “JASUR SUPER TEX” МЧЖ             | 10-1001/19359(26)-т |

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

**Иқтисодий-қуқуқий газета**  
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**ХУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ**ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

**БОШ МУҲАРРИР**  
**ФАРХОД ҚУРБОНБОВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмайдими.  
Таҳририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас.  
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриши имкониятига эга эмас.  
“Norma маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИТ” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 859 Адади 4185. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 17 декабрда соат 19.00 да топирилади.  
ISSN 2010-5223